

# “МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” ВАКИЛЛАРИ КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ШАКЛИДА ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ



**Қахрамон УЗАКОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Президенти  
ҳузуридаги Давлат бошқаруви  
академияси ўқитувчиси

**Аннотация:** мазкур мақолада “маҳалла еттилиги” вакилларининг касбий компетенциясини ривожлантиришга қаратилган таълим дастурларини онлайн тарзда амалга оширишнинг ўзига хос жиҳатлари, маҳалла ходимлари иштирокида ўтказилган ижтимоий сўровнома натижалари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** “маҳалла еттилиги”, давлат фуқаролик хизматчиси, касбий компетенция, онлайн таълим, билим, малака, кўникма, ижтимоий сўровнома.

**Актуальные вопросы повышения профессиональной компетентности представителей “махаллинской семерки” в форме дистанционного образования**

**Кахраман Узатов,**  
преподаватель Академии государственного  
управления при Президенте  
Республики Узбекистан

**Аннотация:** в данной статье анализируются конкретные аспекты онлайн-реализации образовательных программ, направленных на развитие профессиональной компетентности представителей “махаллинской семерки”, результаты социального

опроса, проведенного с участием работников махалли.

**Ключевые слова:** “махаллинская семерка”, структура махалли, государственный гражданский служащий, профессиональная компетентность, онлайн-образование, знания, компетентность, навыки, социальный опрос.

**Current issues of improving the professional competence of representatives of the “mahalla seven” in the form of distance education**

**Kakhraman Uzakov,**  
lecturer at the Academy of Public  
Administration under the President of the  
Republic of Uzbekistan

**Abstract:** this article analyzes specific aspects of the online implementation of educational programs aimed at developing the professional competence of representatives of the “mahalla seven”, the results of a social survey conducted with the participation of “mahalla” employees.

**Keywords:** the “mahalla seven”, neighborhood structure, civil servant, professional competence, online education, knowledge, competence, skills, social survey.



Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 26 сентябрь куни маҳаллабай ишлаш тизимини янада кучайтириш, “маҳалла еттилиги”ни ташкил қилиш бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида маҳаллани жойларда муаммоларни чинакам ҳал қиладиган институтга айлантириш зарурлиги таъкидланди ҳамда “еттилик тизими” фаолиятини янги ёндашувлар асосида ташкил этиш чора-тадбирлари белгиланди [2].

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган мақсадларга эришишда маҳалла тузилмасининг ўрни катта.

Жумладан, маҳалланинг халқ билан давлат ўртасидаги “кўприк” вазифасини амалга оширувчи мустақил ва халқчил тузилмага айланишига кўмаклашиш ҳамда маҳаллани жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғинига айлантириш, унинг жамиятдаги ўрни ва ролини кучайтириш, маҳалла бошқарувида аҳолининг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашнинг таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-209-сон Фармони тасдиқланди. Унга кўра, “Маҳалланинг жамият ҳаётидаги ўрнини ошириш ҳамда соҳада бошқарув тизимини такомиллаштириш мақсадида маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори жамоатчилик асосида фаолият юритадиган “маҳалла еттилиги”ни ташкил қилиши” белгилаб қўйилди [3].

Шунингдек, мазкур ҳужжат билан “маҳалла еттилиги” вакилларининг асосий фаолият йўналишлари ҳамда вазифалари белгилаб берилди.

Ушбу Фармондан келиб чиқиб, “Маҳалла еттилиги” фаолиятини самарали ва режали асосда ташкил этиш

ҳамда унинг аъзоларини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) бўйича баҳолаш тизимини такомиллаштириш мақсадида, 2024 йил 18 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳалла еттилиги” фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) бўйича баҳолашда маҳалла раисининг иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори тасдиқланди. Унга кўра, маҳалла раиси томонидан ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспекторлари фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) бўйича баҳолаш индикаторлари белгилаб қўйилди [4].

Маҳалла вакиллари фаолиятини самарали ташкил этиш ва шундан сўнгра фаолияти самарадорлигини баҳолашда яна бир асосий тадбирни, яъни улар малакасини ошириш тизимини ҳам эсдан чиқармаслик керак.

Бу тадбир давлат раҳбарининг Фармонида белгиланган вазифалар ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қароридаги кўрсаткичлардан келиб чиқиб ташкил этиш талаб қилинади.

Мазкур йўналишдаги таълим дастурини ишлаб чиқишда маҳалла еттилиги вакилларига қўйилаётган вазифа ҳамда ваколатлар кўлами ва уларни амалга ошириш учун зарур бўлган компетенцияларга эътибор қаратиш талаб этилади.

Маҳалла еттилиги вакилларининг айримлари (ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, ижтимоий ходим ва солиқ инспекторлари), айни вақтда, давлат хизматчилари ҳисобланади.

Давлат хизматчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, давлат хизматчилари фаолиятини баҳолаш, давлат хизматида ўсиш, бошқа давлат лавозимига ўтиш, меҳнатига

ҳақ тўлаш, давлат фуқаролик хизматчиларининг иш вақти ва меҳнат таътиллари кенг тартибга солиш мақсадида, маҳаллий ва хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда чуқур муҳокамалар асосида “**Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида**”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди.

Хусусан, ушбу ҳужжатларда давлат хизматчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

Давлат хизматчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш масаласига оид салмоқли илмий изланишлар олиб борилган. Бироқ, давлат хизматчисининг малака оширишини онлайн тарзда амалга ошириш масаласи бўйича олиб борилган изланишлар етарли эмас.

Шу сабабдан мазкур мақолада давлат фуқаролик хизматчиси малакасини оширишни онлайн тарзда ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилиб, таҳлил қилинган.

Давлат фуқаролик хизматчисининг малакасини онлайн тарзда ошириш масаласини илмий жиҳатдан ўрганишда, асосан, **2 та усулдан** фойдаланилди:

**1. Контент таҳлил:** соҳага оид маҳаллий норматив ҳужжатлар таҳлили ўрганилиб, уларда ўрнатилган тартибқоидалар таҳлил қилинди. Бунинг учун Россия Федерациясининг қонун ва қонуности ҳужжатлари ўрганиб чиқилди.

**2. Сўровнома:** давлат фуқаролик хизматчиларини масофавий (онлайн) тарзда малакасини ошириш борасидаги давлат фуқаролик хизматчилари фикрини ўрганиш мақсадида, улар ўртасида ижтимоий сўровнома ўтказилди. Анкета сўровномаси 6 та ёпиқ саволдан иборат бўлиб, сўровнома “telegram.org” ижтимоий тармоғидаги давлат хизматчиларидан иборат гуруҳларда ўтказилди. Сўровномада жами 90 нафар респондент иштирок этди. Сўровнома натижалари “Microsoft Excel” дастури орқали таҳлил қилиниб, уларнинг ай-

римлари диаграммалар орқали тақдим этилган ва кузатув усулларидадан фойдаланилди.

Дастлаб, “масофавий таълим” тушунчасига тўхталиб ўтсак. Маълумки, бугунги АКТ ривожланган даврда кўплаб амалиётлар “онлайн”, яъни масофадан туриб амалга оширилмоқда. Жумладан, таълимни ҳам масофадан туриб амалга ошириш оммалашмоқда. Айниқса, пандемия даврида масофавий таълимга бўлган эҳтиёж кескин ошди.

Шу ўринда: “Масофавий таълим ўзинима?” деган ҳақли савол туғилиши мумкин.

Масофавий таълим – ўқув жараёнининг мақсади, мазмуни, услублари, ўқитиш воситалари ва интернет технологиялари ёрдамида тингловчи ҳамда ўқитувчиларнинг масофадан туриб, интерфаол мулоқот қилиш жараёни ҳисобланади.

Масофавий таълим – бу, муайян соҳада мутахассислар тайёрлаш тизимидаги барча фанларни комплекс тарзда масофавий ўқитишга асосланган, бироқ комплекс доирасида ўқиш жараёни учун қатъий белгиланган жой ва вақт мезони шартли ўрнатилмаган таълим шаклидир. Ушбу таърифнинг моҳиятини тўла ва тўғри тушуниш учун, уни юқорида қайд этилган масофавий ўқитишнинг таърифи билан бирга келтириш керак, албатта.

Масофавий ўқитиш замонавий таълимнинг энг муҳим ва тобора оммавийлашиб бораётган шакли саналади. У талабанинг мустақил фикрлаш, ҳолатни баҳолаш, хулоса қилиш қобилиятларини ривожлантиради, мустақил билим олишга, изланишга, фикрлашга ўргатади.

Масофавий таълимнинг афзаллиги шундаки, унда ҳар ким ўзига қулай вақтда, қулай жойда, қулай муҳитда билим олиши мумкин. Шу туфайли ушбу тизим бугунги кунда дунёда кенг оммалашмоқда.

Хориж тажрибасига мурожаат қиладиган бўлсак, масофавий таълим



Англияда бирмунча олдин бошланган бўлса, Австралияда эса ўтган асрнинг 4-чорагидаёқ умумтаълим мактабларида оммалашиб бўлган эди.

1969 йилда Англия Бош вазири Г.Вильсон ташаббусига кўра, масофавий таълим технологияси шакллантирилган бўлиб, ammo масофадан ўқитиш анча олдин, яъни биринчи барқарор, мунтазам почта алоқасининг шаклланиш даврида юзага келган.

Бундан ташқари, 1858 йилдан бошлаб, уларнинг мустақил билим олишлари, барча ихтисосликлар ва барча соҳалардаги академик даража учун имтиҳон топширишларига рухсат этилган. 1938 йилдан буён Сиртқи таълим бўйича Халқаро кенгаш, 1982 йилдан бошлаб, масофавий таълим бўйича Халқаро кенгаш номи билан машҳур халқаро таълим ташкилотлари сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Очиқ университетлардаги масофавий таълимда ўқиш харажатлари анъанавий институтларда ўқитишга қараганда 8-10 марта арзон. Масалан, Англияда турғун ўқишга – 3000, масофавий ўқитиш орқали билим олишга эса, атига 300 фунт стерлинг тўланади. Биноларга хизмат кўрсатиш, жиҳозлар ва лаборатория учун харажатлар, ўқитувчи, маъмуриятлар ва хизмат кўрсатувчи ходимлар штати қисқаради [1].

Масофавий таълим ёки электрон ўқув дастурлари ҳамда платформаларни ишлаб чиқиш масалаларига, асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги **“2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”**ги ПФ-60-сонли Фармони билан тасдиқланган **“Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”** да амалга оширишга оид **Давлат дастурида** зарур чора-тадбирлар белгилаб берилган.

Хусусан, Давлат дастурининг 35-бандида давлат хизматчиларининг **касбий тайёргарлик, моддий ва ижтимоий таъминот даражасини** ошириш вазифаси

белгиланган бўлиб, унга кўра, 2022 йилнинг октябрь ойида Давлат фуқаролик хизматчиларини ўқитиш, қайта тайёрлаш ва **малакасини оширишнинг интер-фаол шакллари**, шунингдек, уларнинг янги билим ва кўникмаларни эгаллаши учун барчага очиқ бўлган **электрон ўқув дастурлари ҳамда платформаларни** ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Тадқиқот доирасида ўтказилган анкета сўровномаси 2 та ёпиқ саволлардан иборат бўлиб, сўровнома “telegram.org” ижтимоий тармоғида ўтказилди. Сўровномада Фарғона вилоятида фаолият юритувчи “маҳалла еттилиги” вакиллари – жами, **90 нафар** респондент иштирок этди.

Сўровномада иштирок этган респондентлардан: “Қуйидагилардан қайси бири “маҳалла еттилиги” вакиллари-нинг касбий компетенция даражасини оширишда энг қулай чора ҳисобланади?” деб сўралганда уларнинг фақатгина 18 фоизи масофавий таълим шаклини қулай деб ҳисоблашларини маълум қилишган. Маҳалла ходимларининг асосий қисми (35%) қисқа ва ўрта муддатли офлайн малака ошириш курсларини энг самарали чора деб ҳисоблашган (1-жадвал).

Сўровнома натижаларига кўра, **масофавий (онлайн) тарзда малакасини ошириш курсларни ташкил этишда** онлайн машғулотлардаги маълумотларни амалиёт билан боғлаш ва машғулотларни тренинг тарзида ташкил этиш масалалари асосийлардан ҳисобланиши маълум бўлди (2-жадвал).

Аввалги тадқиқотларда респондентлардан **давлат фуқаролик хизматчиларини масофавий (онлайн) тарзда малакасини ошириш курсларининг ижобий ва салбий жиҳатлари сўралганда, уларнинг асосий қисми** бошқа ҳудуд (тузилма) ходимлари билан тажриба алмашиш имкони йўқлиги ва бу шаклдаги ўқувларни ишдан ажралмаган ҳолда амалга ошириш хавфи борлигини, масофа (йўл, ётоқ) масаласи ва моддий (молиявий)

1-жадвал

Қуйидагилардан қайси бири “маҳалла еттилиги” вакилларининг касбий компетенция даражасини оширишда энг қулай чора ҳисобланади?	
Масофавий таълим	18 %
Қисқа ва ўрта муддатли офлайн малака ошириш курслари	35 %
Мураббийлик тизимини жорий этиш (юқори бўғин ходими ёки бошқа намунали маҳалладаги тажрибали етакчи бириктириш)	17 %
Мустақил таълим	11 %
Уларнинг малака оширишлари шарт эмас, амалий тажрибанинг ўзи етарли	19 %

2-жадвал

“Маҳалла еттилиги” вакилларининг масофавий (онлайн) тарзда малакасини ошириш курсларни ташкил этишда нималарга эътибор қаратиш керак деб ҳисоблайсиз?	
Машғулотларни тренинг тарзида ташкил этиш	58%
Онлайн машғулотлардаги маълумотларни амалиёт билан боғлаш	61%
Фойдаланилган адабиёт ва материалларни (матн, аудио ва видео) платформага жойлаш	25%
Машғулотларнинг видео ёзувини кўчириб олиш имкониятини яратиш	41%
Тингловчиларни курсга ишдан ажралган ҳолда жалб этиш	49%
Жойлардаги АКТ қурилмалари ва интернет тармоғи (тезлиги)ни яхшилаш	17%
Профессор-ўқитувчининг билим ва малакасини ошириш	22%

томондан эса, қулай эканлигини билдиришган (3-жадвал).

Хулоса қилиб айтганда, масофавий (онлайн) таълимнинг сифати ва унинг имкониятлари тингловчиларни қаноатлантирмаяпти. Масаланинг иккинчи томони, масофавий (онлайн) таълимнинг шаклига, унинг имкониятларидан самарали фойдаланишга тингловчиларнинг кўникмаси етарли бўлмаслиги мумкин.

“Маҳалла еттилиги” вакилларидаги иборат тингловчилар учун ташкил этиладиган масофавий шаклдаги малака ошириш дастурларида онлайн курсларни ташкил этишга қаратилган платформа онлайн машғулотларни ўтиш, дарс машғулотларини ёзиб олиш ва ўқув материали сифатида платформага жойлаш, кичик гуруҳларни ўзаро муҳокама қилиб, жамоа бўлиб тақдимот тайёрлаш имкониятига эга бўлиши керак. Онлайн тарзда ташкил этиладиган имтиҳонларни тингловчиларни қурилма камераси орқали фиксация қилиш (тинглов-

чи юзини таниб олиш) орқали ташкил этишга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Россиялик мутахассис Луканина Юлия ўзининг 2014 йилдаги “Давлат хизматчиларининг малакасини ривожлантириш, уларнинг касбий шахсини шакллантириш шarti сифатида” номли мақоласида мутахассисларнинг давлат хизматчилари касбий ваколатларини ривожлантириш механизми сифатида узлуксиз касбий таълимнинг минтақавий тизимини модернизация қилиш бўйича билдирган таклифлари қайд этилган. Мутахассисларнинг фикрига кўра, замонавий масофавий таълим шакллари минтақавий узлуксиз касб-ҳунар таълими тизимига фаол жорий этиш орқали амалга оширилган ўқитишнинг элективлиги шароитда тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда минтақамизда давлат хизматчиларини тайёрлаш жараёнида ушбу технологиялар қўлланилмоқда,

Масофавий (онлайн) тарзда малака ошириш курсларининг ижобий жиҳатлари		Масофавий (онлайн) тарзда малака ошириш курсларининг салбий жиҳатлари	
Масофа (йўл, ётоқ) масаласи бўлмади	68 %	Бошқа ҳудуд (тузилма) ходимлари билан тажриба алмашиш имкони йўқ	46 %
Ишдан ажралмаган ҳолда амалга оширилади	38 %	Ишдан ажралмаган ҳолда амалга оширилади	47 %
Моддий (молиявий) томондан қулай	58 %	Жамоа бўлиб ишлаш имконияти бўлмади	43 %
Ўқув материаллари электрон тарзда тақдим этилади	23 %	Машғулотлар “жонли” ташкил этилмайди	39 %
Коррупцион ҳолатлар хавфи кескин камаяди	9 %	Тингловчилар фаоллиги етарли бўлмайди (жараён фақат бир томонлама бўлади)	43 %
Профессор-ўқитувчилар машғулотга янада масъулият билан ёндашадилар	13 %	Ўқув юктамаларни онлайн тарзда амалга оширишда тингловчиларнинг бошқалар меҳнатидан фойдаланиши хавфи бўлади	8 %
Ўқув юктамаларни онлайн тарзда амалга ошириш имкони бўлади	15 %	Жойларда АКТ ва интернет таъминотидаги носозликлар хавфи бўлади	24 %
Тингловчининг курс давомида АКТдан фойдаланиш кўникмаси ҳам ривожланади	34 %	Айрим тингловчиларнинг онлайн таълим олиш имкони мавжуд эмас, АКТдан самарали фойдалана олмайди	15 %

аммо афсуски, бу етарли эмас. Масофавий таълимни сифатли модернизация қилиш учун ўқув жараёнининг ўқув ва услубий жиҳозларини (электрон дарсликлар, видеомаърузалар, масофавий симуляторлар, маълумот ва таҳлилий материаллар, вебинарлар ва бошқалар) такомиллаштириш зарурлиги таъкидланган [5].

Юқорида Ю.Луканина томонидан таъкидланган масалалар бугунги кунда Ўзбекистон учун ҳам долзарб масалалардан ҳисобланади.

“Маҳалла еттилиги” вакилларида иборат тингловчилар учун ташкил этиладиган масофавий шаклдаги малака ошириш курсларида қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

**Машғулотлар вақти:** машғулотлар вақтини белгилаш муҳим масалалардан бўлиб, бунда уни маҳалла вакилининг ақлий ва руҳий тетиклик вақти

ҳамда асосий меҳнат фаолиятидаги бўш вақтидан келиб чиқиб белгилаш керак. Жумладан, ўтказилган сўровномада улар учун энг қулай вақт тушликкача бўлган вақт эканлигини билдиришган.

**Дастурий таъминот:** онлайн курсларни ташкил этишга қаратилган платформа: онлайн машғулотларни ўтиш, дарс машғулотларини ёзиб олиш ва ўқув материали сифатида платформага жойлаш, кичик гуруҳларни ўзаро муҳокама қилиб, жамоа бўлиб тақдимот тайёрлаш (виртуал аудиториялар) имкониятига эга бўлиши керак. Онлайн тарзда ташкил этиладиган имтиҳонларни тингловчиларни қурилма камераси орқали фиксация қилиш (тингловчи юзини таниб олиш) орқали ташкил этиш лозим.

Платформанинг мобил иловасини ҳам яратиш лозим.

**Методология яратиш:** масофавий дарс машғулотларини қизиқарли ва таъ-

сирли ўтказиш методологиясини ишлаб чиқиш ва бу борадаги профессор-ўқитувчининг кўникмаларини ошириш асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Бунда машғулотларни онлайн олиб боришнинг ўзига хос жиҳатларини инобатга олиш зарур.

**Ўқув материаллари:** онлайн дарс машғулотларини сифатли ташкил этиш ва курс платформасига жойланадиган видео ва аудио материалларни сифатли тайёрлаш учун зарур техник воситалар ва мутахассисларни жалб қилиш талаб этилади.

Дарс машғулотларида тақдим этилган маълумот ва материалларни (адабиёт, матн, аудио ва видео) платформага жойлаш ва уни машғулотларнинг видеоёзувини кўчириб олиш имкониятини бериш тингловчилар учун фойдали бўлади.

Онлайн дарс машғулотларини сифатли ташкил этиш ва курс платформасига жойланадиган видео ва аудио материалларни сифатли тайёрлаш учун зарур техник воситалар ва мутахассисларни жалб қилиш талаб этилади.

**Мулоқот ва муҳокама:** онлайн дарсларда жонли мулоқот қилиш имкони чекланганлигини инобатга олиб, машғулотларни тренинг тарзда ташкил этиш самарали. Бу орқали улар билан кўпроқ контактда бўлиш имкони яратилади.

Дарс машғулотларида тингловчиларга бериладиган маълумот ва билимлар бевосита амалиёт билан боғланган ва уларни турли вазиятли саволлар (кейс,

казус) орқали мустақил ишлашга ундаш дарс самарадорлигини оширади.

**АКТ ва интернет:** АКТ ва интернет тезлиги доимгидек долзарб масалалардан бўлиб, юқоридаги вазифалар самараси айнан шу икки воситага боғлиқ. Айниқса, қуйи бўғинда фаолият юритувчи давлат фуқаролик хизматчилари иштирокида ташкил этиладиган онлайн курсларда ушбу масалага жиддий эътибор қаратиш лозим. Сабаби жойларда АКТ ва интернет тезлигида муаммолар кузатилиши мумкин.

Кўплаб хорижий давлатлар олий таълим тизимида масофавий таълим шаклидан самарали фойдаланиб келинмоқда ва бу борада мамлакатимиздаги олий таълим муассасалари ҳам маълум натижаларга эришмоқда.

Бундан ташқари, АҚШ, Англия, Корея, Туркия каби давлатларда давлат хизматчилари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш вазифаларини айрим олий таълим муассасалари томонидан амалга оширилади. Бунинг натижасида юқоридаги давлатларда давлат хизматчилари малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда масофавий таълимдан самарали фойдаланиб келинмоқда.

Шу сабабдан давлат фуқаролик хизматчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда масофавий таълим шаклидан самарали фойдаланиш мақсадида олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

### Манба ва адабиётлар руйхати:

1. Ниёзова С., Алланова А. Масофавий таълим тизимини ташкил қилиш усуллари ва унинг аҳамияти. <http://hudud24.uz/masofaviy-talimning-afzalligi-bu-tizimning-dunyoda-keng-ommalashishiga-sabab-nima/>

2. UZA. "Маҳалла еттилиги"нинг вазифалари аниқ белгиланди. [https://uza.uz/uz/posts/mahalla-ettiligining-vazifalari-aniq-belgilandi\\_524527](https://uza.uz/uz/posts/mahalla-ettiligining-vazifalari-aniq-belgilandi_524527)

3. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 25.12.2023 й., 06/23/209/0966-сон.

4. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.05.2024 й., 09/24/292/0356-сон.

5. <https://cyberleninka.ru/article/n/razvitie-kompetentsiy-gosudarstvennyh-sluzhaschih-kak-uslovie-formirovaniya-ih-professionalnoy-identichnosti>